


Рамита Наваи

ЁЛҒОНЛАР ШАҲРИ

*Техрон ҳақида барча
ҳақиқатлар*



ТОШКЕНТ
2020

УЎК 821.22-31
КБК 84(5Эрон)
Н 14

НАВАИ, Рамита

Ёлгонлар шахри: Техрон ҳақида барча ҳақиқатлар / Рамита Наваи, инглиз тилидан Зиёдахон Ғуломова таржимаси. Тошкент: “Ofset-print” МЧЖ, “Nihol” nashriyoti, 2020. 276 бет.

ISBN 978-9943-23-164-1

Таржимон
Зиёдахон Ғуломова
Масъул муҳаррир
Хуршид Йўлдошев

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва
чоп қилинди.*

У шундай шаҳарки, одамлар ўзларининг асл истакларини пинҳон тутишга, дин ва анъана талабларига мувофиқ яшаётганини кўрсатишга мажбур. Бу шаҳарда яшаш учун ёлгон гапириш керак. Бу ерда ёлгон сўзлаш ҳаёт ва мамот масаласидир. Бу шаҳар аҳли диний мажбуриятлар юки ва самимий инсоний истаклар ўртасида саргардон кезади. Бу шаҳар Техрон, Эрон Ислом Республикасининг пойтахти. “Ёлгонлар шахри” бугунги Техроннинг унутилмас манзарасини чизиб беради. Бу китоб техронликлар тузумнинг шафқатсиз босими остида қандай яшаётгани, туйгулари, шодлигу изтиробларини қандай ифодалаётгани, умуман, турфа хил инсонлар тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

“Ёлгонлар шахри” китоби 2012 йили Британия Қироллик адабиёт жамиятининг “Жервуд” мукофоти билан тақдирланган.

УЎК 821.22-31
КБК 84(5Эрон)

ISBN 978-9943-23-164-1

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2020
© Рамита Наваи

ТАҲРИРИЯТДАН

Одамлар нима учун ёлгон гапиришга мажбур бўлади? Ўзи ўйлагандек гапирмаслик, ўзи гапиргандек амал қилмаслик, ҳатто ўзи ўйлаганини ўзи инкор қилиш... бу нима?

Қўлингиздаги ушбу асар замонавий Техрон жамияти ҳақида ҳикоя қилади. Асарда турли ижтимоий қатлам вакиллари – инқилобчию аксилинқилобчи, наркофурушу полиция ходимлари, жинойатчию судья, фоҳишаю муллар ҳаёти, уларнинг таишишу шодлиги алоҳида олинган инсонлар мисолида очиб берилади.

Муаллиф имкон қадар ўз шахсий қараши, ҳиссиётларини кўрсатмасликка, борини бордек ҳикоя қилишга ҳаракат қилган; ҳикоялардаги ҳеч бир қаҳрамон устидан ҳукм ўқимаган. Техрон жамияти мусулмон аҳли ҳисобланса-да, аксар мусулмонлардан фарқли ўлароқ шиа жамиятидир. Шу боис, ўқувчига уларнинг айрим одатлари, дейлик, муваққат никоҳлари ёки шиа имомларига илтижо қилиши, имом Ҳусайн учун ҳамон аза тутишии ғалати туюлишии мумкин. Эрон ислом инқилобидан сўнг диннинг давлат мафкурасига айлантирилиши унинг турли сиёсий фитналар ва мустабидлик қуролига айланишига ҳам сабаб бўлган. Оқибатда одамларда диннинг зоҳирига эътибор кучайган, шаръий қоидалар ҳам ҳаёти зарурияга мувофиқ талқин қилинаверган. Диннинг сиёсийлашуви диннинг ўзига зарар берган.

Рамита Наваининг ҳикоялари инсоний ҳикоялар, уларда инсоннинг тақдири, фожеаси ва ютуқлари акс этган. Шу жиҳатдан унинг қаҳрамонлари бизга ҳам бегона эмас.

*Ушбу китобни барча техронликларга,
хусусан, техронлик турмуш ўртоғим, ҳаётим
мазмуни Габриелга, ва энг муҳими, мени доим
руҳлантириб турган онам Лая ҳамда Техроннинг
ажойиб ва фозил инсони бўлмиш отам Курушга
бағишлайман.*

*Фитна соладиган ҳақиқатдан
хотиржамлик берадиган ёлгон афзал.*

Саъдий Шерозий, “Гулистон”

СЎЗБОШИ

Келинг очиғини айтай, Техронда яшаш учун ёлгон гапириш керак. Бу ерда ахлокнинг ўрни эмас, Техронда ёлгон сўзлаш ҳаёт ва мамот масаласидир. Ажабланирли-си шундаки, мунофиқликка бўлган эҳтиёж борасида ҳам-ма баробар – ёлгонлар дунёсида одамларни динига кўра ажратиш ва қатламларга тафрика қилиш йўқ. Энг такво-дор ва художўй техронликларнинг айримлари ёлгон санъ-атини камолотга етказган. Биз техронликлар ҳақиқатга ишлов беришга зап устамиз. Болалар ёшлигидан отаси уйда спиртли ичимлик сақлашини тан олмасликка, ўсмир-лар бокира эканини таъкидлаб қасам ичишга, дўкандорлар мижозларига рамазон ойида овқат ейиши, сув ичиши ва чекиб олиши учун уйининг орқа тарафидан жой ажратиб беришга, Ашуро кунид¹ диний маросимнинг бир қисми сифатида ёш йигитлар ўзини калтаклашга, буларнинг бари аслида ёқимтой қизлар олдида довураклигини кўз-кўз қи-лиш учун бўлса-да, лекин улар фақат Аллоҳ учун тўплан-гани, ҳар бир зарб Имом Хусайн учун, дея ёлгон даъво қилишга ўрганган. Ёлгонларни хаспўшлаш учун яна янги ёлгонлар тўқилади ва жамият ёлгонга тўлиб кетади.

Ҳақиқат эса махфий, ноёб ва хавфли матоҳга айлана-

1. Ашуро маросими – Шиалар Имом Хусайннинг шахид-лигини эслаб ўтказадиган йиллик маросим.

ди, жуда қадрланади ва унга эҳтиёткорлик билан ишлов берилади. Техронда кимдир сизга ҳақиқатни гапирса, билинги, у сизга ё дилдан ишонади ё тамомила таваккал қилмоқда. Эрон жамиятида тирик қолиш учун ёлғон гапириш узоқ ўтмишга, ислом босқинининг илк чоғларига бориб тақалади. Ўша даврда шиалар турли таъқиблардан ҳимояланиш учун эътиқоди ҳақида ёлғон гапирган ва бу “тақия” деб аталган. Куръон ҳам ўрни келганда каттароқ яхшилик учун ёлғонга рухсат беради. Бу ёлғонлар оқими катта шаҳарлардан сизиб чиқиб, шаҳарча ва қишлоқларга етиб борган бўлса ҳам, Техрон унинг булоғи бўлиб қолади.

Энг қизиғи шуки, эронликлар ўзларини ўзлари алдамасликка астойдил интилади. Бу маданиятимизнинг бир қисмидир. Форс шоири Ҳофиз ҳаётдан маъно топиш учун ҳақиқат излашга чақирган эди:

Ҳақиқатга ошинолинг

Сени сира тарк этмас.

Бу мушкул йўлдаги қувончу азобинг

Саҳна пардаси каби ёпинчигингни кўтаради

Ҳамда сен чин “ўз”ингни топасан.


Эрон сериалларида қаҳрамонлар мудом ўзини излайди. Бу йўлда улар диний мажбуриятлар юки ва самимий инсоний истаклар ўртасида саргардон кезади. Шу боис аксарият техронликлар давомли зиддият ичида яшайди: тирик қолиш учун ёлғон гапиришга мажбур қиладиган шароитда қандай қилиб ўзлигингизга содиқ қолишингиз мумкин?

Энди охириги бир нарсани аниқлаштирай: биз эронликлар онадан ёлғончи бўлиб туғилмаймиз. Ёлғон гапириш инсонларнинг ўта интим муносабатларига қадар аралашишга ўзини ҳақли ҳисобловчи ҳукуматнинг зулмкор тартиботи оқибатидир.

Техронда яшаб (ва алдаб), мен жуда кўп техронликларнинг ҳикояларини тингладим ва уларнинг баъзиларини сиз

билан баҳам кўрмоқчиман. Уларнинг ҳаммаси ҳам оддий техронлик эмас. Баъзилари форс жамиятидан четлашиб қолган. Аммо умид қиламанки, китобдаги энг ғайриодатий ҳикоялар ҳам Техрондан ташқарида яшайдиган одамга 12 миллиондан ортиқ аҳолиси бор бу шаҳардаги ҳаётни тушунишга ёрдам беради. Тажрибамга таяниб айтаманки, техронликларнинг хос сифатлари – уларнинг меҳрибонликлари. Ҳаёт нечоғлик оғирлашса ҳам, амалдорлар нақадар шафқатсиз бўлса ҳам, оддий аҳолида бетакрор илиқлик бор. Мен бу илиқликни режимнинг ашаддий тарафдорларида ҳам, ўзгача фикрловчиларда ҳам, умуман, ҳамма-ҳаммада сезганман.

Мен одамларнинг хавфсизлиги учун барча исмлар, жой номлари ва вақтни ўзгартирдим, аммо воқеалар ҳақиқатан содир бўлган ва ҳамон содир бўлмоқда. Буларнинг бари ёлғонлар шахри ҳаётининг асл ҳикояларидир.



ПРОЛОГ

Вали Аср кўчаси

Техрон осмони нур билан тўйинади. Шаҳар узра оловранг туман тушиб, қуёш нурини синдиради. Қалин ва ўйноқи заррачалар ҳар бир бурчакка етиб бориб, одамнинг бурнини куйдириб, кўзини қамаштиради. Кўчалар қора тутун буркситиб чиқараётган машиналарга тўла. Тутун машинадан чиққач ҳавога енгилгина кўтарилади-ю, муаллақ қолади. Туманлар ҳатто шимолдаги кўнғирранг Элбурс тоғларини ҳам қоплайди. Бу ерда кўп қаватли бинолар худди жамоа бўлиб сажда қилаётганлар олдида турган имом каби пастга қарайди. Унинг тагидаги водий эса одамлар билан тўлган. Бир қарич ҳам бўш жой йўқ. Бунда бирор сабаб, мантиқ ёки услуб ҳам йўқ. Эски маҳаллалар гўё спагеттисимон арқонлар билан бир-биридан ажратилгандек. Постмодерн услубида қурилган кўримсиз уйлар эса эски уйлар устида қад ростлаган.

Техроннинг қоқ ўртасидан шаҳарни иккига ажратиб узун ва кенг йўл ўтган. Йўлнинг икки томони бўйлаб минглаб баланд чинорлар экилган. Вали Аср кўчаси Техроннинг шимолидан жанубига чўзилган бўлиб, ундаги ҳаётга жон бағишлайди ва шаҳарнинг энг чекка бурчакларига қадар кириб боради. Вали Аср барча техронликлар учун бутун шаҳарни бирлаштирган ягона йўлдир. Бир



неча ўн йиллардан бери эронликлар бу ерга қувончли дамларини нишонлагани, намоёиш ўтказгани, парад кўргани, кимнидир хотирлагани ҳамда мотам тутгани келади. Техрон билан боғлиқ ёдимда қолган илк болалик хотираларимдан бири – ана шу кўча бўйлаб машинада ўтганим. Ўшанда дарахтлар орасида ўзимни қанчалар хавфсиз ҳис қилганим ҳали-ҳамон ёдимда. Бир-бирига хиёл бош эгиб турган дарахтлар яшил барглари ва шохлари билан бизни гўё ҳимоялаётгандек эди.

Дарахтларнинг бетонни ёриб чиққан кекса илдизлари ёнидан ўтган чуқур ариқда шимолдаги тоғлардан келадиган муздек сув оқади. У қанчалик жанубга яқинлашса, шунчалик қорамтир бўлиб боради. Вали Асрнинг ўртасидан шундоқ ўтганда ҳаёт қайнаб ётган, гавжум, минглаб мотоцикллар, машиналар ва одамлар ҳаракатланаётган шаҳар маркази чиқади. Кўп қаватли турар жойлар орасида сиқилиб қолган, аммо яшашдан умиди сўнмаган эски уйлар ҳамон учрайди. Жануб томонга юрганингиз сари бинолар кичикроқ ва харобароқ бўлиб бораверади: дераза ойналари синган, томига қийшайган тунукалар ёпилган, оҳори кетган ғиштин уйлар. Занглаган газ қувурлари ва ҳаво совутгичлари худди металл ичак ташқарига чиқиб кетгандек деворда осилиб туради. Бу ердаги кўчалар қадимчилик ва қашшоқлик соясида қолиб, тусини йўқотган. Аёллар чодрасининг¹ қора матоси бошқа қора ёпинчиклар

1. Чодра – бошни ва бутун танани ёпиб турадиган қора ёпинчиқ. Тарихчилар чодрани 18-асрдан пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Ризошоҳ Паҳлавий Эронни модернизация қилиш (замонавийлаштириш) мақсадида 1936 йилда чодра ва ҳар қандай ҳижоб ўрашни тақиқлаган. Полиция кўчаларда юзга тутилган ёпинчикларни мажбуран олиб ташларди. Бундай сиёсат жамоат жойида чодрасиз ёки ҳижобсиз юриш яланғоч юришга тенг, деб ҳисобловчи диндорлар ва кўплаб оддий эронликларнинг ғазабини кўзгарди. Тақик Ризошоҳнинг ўғли Муҳаммад Ризошоҳ ҳокимиятга келиб, аёлларга яна ўранишларига рухсат бергунича 4 йил давом этди. 1979 йилги инқилобдан бироз вақт ўтиб, ҳижоб ўраш мажбурий қилинди.

ва бош кийимлари билан уйғунлашиб кетади: ислом дини қабул қилган ушбу мотам рамзини ҳамма кийиб юради. Фақат уруш қаҳрамонлари, шаҳидлар ва сиёсий ташвиқотнинг ёрқин суратларида бунга амал қилинмайди. Шаҳарнинг энг жанубий қисмида Вали Аср кўчаси Техроннинг бош темир йўл бекати бўлмиш Раҳ Аҳан майдонидан ўтади. У ерга мамлакатнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келади: лурлар, курдлар, озарбайжонлар, туркманлар, тожиклар, араблар, балужлар, бахтиёрлар, қашқайлар ва афғонлар.

Вали Аср кўчаси ва унинг юзлаб йўллари Техроннинг шаҳри суғроси ҳисобланади. Шимолдан жанубга, 18 километрдан ортиқ чўзилган бу кўча бою камбағалларни, диндору дунёвийларни, анъанадорлигу замонавийликни бирлаштиради. Аммо шаҳарнинг ҳар икки чеккасидаги одамлар ҳаёти бир-биридан бир неча асрга фарқ қилади-гандек туюлади.

Бу йўлни Ризошоҳ Паҳлавий курдирган. Гарчи қурилиш ишлари 1921 йилда – ҳали у тахтга чиқмаган пайтларда бошланган бўлса ҳам. Қожарлар сулоласининг сўнгги вакили Аҳмадшоҳ тахтдан ағдарилгач йўл қурилиши жадаллашди. Бунинг учун асилзодалар, давлат арбоблари ва Қожар сулоласи шахзодаларига тегишли боғ-роғлар вайрон қилинди. Ризошоҳ ўзи ва оиласи учун энг яхши ер майдонларини асраб қолди. Йўл шимолга анча чўзилгани, шаҳар ташқарисидаги кишлоқлар аро ўтгани, Шоҳ саройларини боғлагани учун қурилишга яна 8 йил кетди. Қишқи саройлар шаҳарнинг илиқроқ қисми – жанубда, ёзги саройлар эса шимолдаги салкин тоғлар бағрига қурилганди. Ушбу йўл Ризошоҳнинг Эронни замонавий дунёга олиб кириш кўзланган кенг қамровли лойиҳаларининг бир қисми эди. Қурилажак йўл француз хиёбонларининг гўзаллигию озодалигини, улкан Рим йўлининг маҳобатини ўзида мужассам этиши, ҳайбати ва ҳашамати билан Ўрта Шарқнинг ҳавасини келтириши лозим эди. Ризошоҳ 18



мингта чинор экиш ишларини шахсан ўзи назоратга олган. Йўлни эса ўз исми билан – Пахлавий деб атаган.

1979 йилдаги Ислом инқилоби Ризошоҳнинг ўғли Муҳаммад Ризошоҳни тахтдан ағдаргач Шохга қарши бўлган миллатчилар Пахлавий кўчасининг номини Эроннинг собиқ бош вазири Муҳаммад Мусаддиқ номига ўзгартирди. Европада таълим олган ҳуқуқшунос доктор Муҳаммад Мусаддиқ мамлакат нефтини миллийлаштиришга урингач Марказий разведка бошқармаси дастаклаган тўнтаришда лавозимидан ажралган, сўнг қаҳрамонга айланган эди. Кўчага берилган янги ном ҳам унинг бош вазирлиги каби қисқа бўлди. Инқилоб етакчиси оятуллоҳ Рухуллоҳ Хумайний мамлакатнинг энг машҳур кўчаси ислом дини эмас, форс миллатчилиги учун курашган одам номи билан аталишига сира кўнолмасди. Унинг обрўсига ҳасад ҳам қиларди. Хумайний бу кўчани Имоми Замон номи билан танилган, шиа мазҳабидаги 12 имомнинг охиригиси бўлган ҳамда шиа этикодига кўра дунёнинг Сўнгги Нажоткори ҳисобланган ҳазрат Имом Маҳди шарафига Вали Аср деб номлашни буюрди. Маҳдийнинг қайта хуруж қилиши янги осойишта давр бошлангани ва исломий камолотдан дарак беради, аммо унгача Сўнгги Нажоткор кўздан пинҳон бўлади. Ислом бошқаруви шарофати билан ҳаёт қувватидан мосуво бўлган шаҳарнинг рамзи бўлмиш бу кўча учун мос ном.

Ҳаммаси ярим тунда содир бўлади. Айнан соат нечалиги ва қанча одам бунда иштирок этгани номаълум. Аммо эртаси куни тонгда ҳамма шу ҳақида гапиради. Далиллар Вали Аср кўчаси бўйлаб тизилган эди: бетон орасидан ўнлаб дарахт шохлари чиқиб туради. Шаҳар ишчилари йўлдаги қирқдан ортиқ чинорни арралаб ташлабди. Техронликлар шикоят қилади. Хатлар ёзишади, ҳоким идорасига қўнғироқ қилишади, суратга олишади, “Twitter” ва “Facebook”да саҳифа очишади. ОАВ бош саҳифаларида ҳам шу гап. Таниқли инсон ҳуқуқлари гуруҳи янада

кўпроқ дарахт кесилганини даъво қилади. Маданий мерос гуруҳи “маъсум” дарахтларни бу тарзда nobud қилишни “вайронкорлик” деб атайди. Миллий радио станцияси бўлмиш “Радио Фарҳанг”нинг мунозарали эшиттириши чакирикларга тўлиб кетади. “Ҳар бир дарахт мен учун хотира. Дарахтлар кесилса, хотираларим ҳам ўлади. Улар гўё менинг жонимни олаётгандек”, дейди кўзлари ёшга тўлган аёл эронликларга хос ҳис-ҳаяжонга берилиб. Техронликлар газабда.

Оёқларидан айрилган уруш фахрийси Вали Аср кўчасининг шимолий томонида жойлашган Парк-э Меллат (Миллат боғи) яқинидаги йўлакчага доимгидек келиб ўтиради. Искирт бўлиб кетган қўлтиқтаёқларини ёнига қўяди ва қўлидаги буюмларни ерга теради: турли ҳажм ва рангдаги батареялар. Унинг ортидаги ариқдан семизгина каламуш югургилаб ўтади. Елкасига скрипка илиб олган мусиқа талабаси дарахтлар кесилгани ҳақида эшитиб, ўз кўзлари билан кўргани келди.

“Мен-ку урушда қатнашганим учун оёғимдан айрилганман, аммо бояқиш дарахтлар қайси айби учун бундай кунларни кўряпти?”, деб ҳазил қилади уруш фахрийси. Талаба йигит жилмаяди ва мухташам Қожар саройи олдидаги жамоат боғи – Фирдавс боғи томон юради. Бу ерда у Вали Аср ҳаётини кузатиб, мулоҳаза қилади. Боғдаги ўриндиққа ўтириб, ноутбукини очади. Унда Моцартнинг жонли ижродаги “Реквием” куйини қўяди. Шаҳар суронларидан нафис мусиқани тинглашни афзал кўрган қария унинг ёнига келиб, ўриндиқнинг нариги четига ўтиради.

Вали Аср кўчасининг шаҳар марказига – Жумҳурий кўчасига яқин жойида яшил кроссовка ва қизил кўйлак кийган соқолли киши ўз аккордеонида машинада кетаётган йўловчилар учун ғамгин форс мумтоз куйларини чалмоқда. Кимдир унга пул тутганида у белига тақиб олган сумкасидан қоғоз чиқаради. У интернет саҳифасини – дунёнинг ёвузликлари: шайтон, моддиюнчилик, шахват-



парастлик ҳақидаги блоги манзилини кўрсатади.

Вали Асрнинг энг жанубий нуқтасида йўл тўсилиб қолган. Лекин тирбандлик сабабли эмас. Минглаб одамлар совукда йўлка ва масжид ташқарисидаги кўчада тўпланган – ичкарида жой қолмаган. Жаноза. Эркаклар қора тасма билан оқ гладиолус боғлаб қўйилган икки метрдан ошиқ узунликдаги тобутни кўтариб бормоқда. Масжид ичида эса қори Қуръон тиловат қилмоқда. Кейин эса у марҳума аёл ҳақида яхши гаплар айтади: “У инсонийлик шаънининг чин маъносини биладиган кишиларнинг авлоди эди. У Худога юзланган ва ундан сира юз ўгирмаган ҳалол аёл эди.”

ДАРИУШ

Меҳробод аэропорти, Техрон, 2001 йил, март.

– Анча вақт хорижда бўлган экансан, – деди ёш офицер қўлидаги паспортни тез-тез варақлаб. – Энди қайтишга қарор қилдингми? Шунча йилдан кейин, – у биринчи бетнинг пластик бурчагини олиб ташлади.

Дариуш шу ёшгача бунчалик кўрққанини эслай олмайди. У милки ва лунжи орасига қўйилган цианид таблеткасининг қаттиқ пластик томонига тилини теккизди. Унга айтишларича, ҳукумат ўзгача фикрловчиларнинг қора рўйхатини тузиб, қидирувга қўйган. Яна шуни айтишдики, қамоқ қийноқ ва азобли ўлим демакдир.

Офицер унга тикилиб туриб деди:

– Нега кетгансан?

– Ота-онам уруш вақтида кетган. Мен қолишни хоҳлаганман, аммо улар мени ўзи билан олиб кетган, – у жуда тез жавоб қайтарди.

– Нега қайтдинг?

Офицер паспортни сканерлади. Дариуш бу паспортни Бағдодда баъзи каттакон одамларни паспорт билан таъминлаб турган шиа ҳарбийидан 20 минг АҚШ доллари эвазига олган. Бу бамисоли санъат асари. Бундан ҳам яхшироқ сохта паспортни тополмайсиз.

– Қариндошларимни кўргани келдим. Мен... мен юртимни соғиндим.

Унинг овози титрарди. Офицер столи устига эгилиб, кўлини Дариушнинг кўксига босди.

– Юрагинг худди митти чумчуқникидек уряпти, – деди у.

Кейин тўсатдан кулиб юборди ва Дариушнинг паспортини столга улоқтирди.

– Сендақа янги келганлар нуқул шунақа кўркоқ бўлади. Ўқиганларингга ишонма, биз сени еб қўймаймиз. Сенга ўхшаганлар учун бу ерда ҳаёт яхши. Сира қайтиб кетмайсан кейин.

20 йил муқаддам инқилоб замонида онаси билан қочоққа айлангач, уни доимий таъкиб қилган юртга қайтиш осон кечди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Дариуш учун ўта осон туюлди. Аммо у эҳтиёткор бўлиши керак, чунки ҳали ҳам у қидирувда бўлиши мумкин. Эронликлар устаси фаранг муғомбир бўлишини Дариуш яхши билади.

Гуруҳ аввалдан огоҳлантирганидек, у ташқарига чиқшидан олдин сумкалари рентген текширувидан ўтказилди. Кучайтирилган хавфсизлик тартиби фақат паранойя режими ёки сепаратист ҳаракатлардан кўркиш сабабли эмас эди. Ҳукумат Дариушга ўхшаган одамлардан, Мужоҳедин-э халқ¹ (МЕХ) – Халқ аскарларидан кўрқарди.

Дариуш МЕХга расман қўшилганига ҳам бир йилдан ошди. Бошланғич мактабда муаллималик қиладиган онаси ўғли улар ҳақида гапира бошлаганда жаҳли чикқан эди. 1979 йилги Ислом инқилобида Шохни тахтдан ағдаришда

1. МЕХ – Мужоҳедин-э халқ (Халқ мужоҳидлари) ташкилоти (бошқа номлари: МКО ва Эрон Халқ мужоҳидлари). Эроннинг энг йирик муҳолифат гуруҳи, Ислом Республикасини ағдаришга аҳд қилган. Ташкилотга 1963 йили сўлчи талабалар асос солган, марксист/исломий илдизга эга. МЕХ Ислом инқилобида муҳим роль ўйнаган, лекин оятуллоҳ Хумайний томонидан бешафқат жазоланган. Унинг бош штаби Парижда жойлашган бўлиб, Эрон миллий қаршилик кенгаши номи остида фаолият кўрсатади.

МЕХ катта ҳисса қўшган. Дариушнинг онаси ўзининг ҳаёти барбод бўлишида исломчиларни қанчалик айбласа, мужоҳидларни ҳам шунчалик айбдор деб ҳисобларди. У ўғли бу босқичдан ўтиб кетади, деб умид қилган эди. МЕХ Эроннинг биринчи замонавий Ислом инқилобчилари эди. Дариушнинг онаси талабалик чоғидаги дўстлари МЕХнинг социалистик қадриятлар ва тенглик ҳақидаги ваъзаларидан қанчалар таъсирланганини яхши эслайди. Она ўғлининг хулқида кескин ўзгаришни пайқайди. Ўғли намоз ўқишни бошлади. Гарчи она динга эътиқод қилса ҳам, ўғлининг янгича диндорлиги уни хавотирга солиб қўйди. Ўғил танишларига виждон йўлида маҳбусга айланган мужоҳидларнинг суратларини кўрсатиб, Сазман² – Гуруҳга қўшилишга даъват қила бошлади. Онаси эса унга оиласининг дўстларидан қанчаси ана шундай гуруҳларга қўшилиб қолиб, мияси обдон “ювилиб”, натижада яқинларидан ажралиб қолганини айтарди. Дариушнинг онаси АҚШда таълим олгани ва Вашингтон яқинидаги кичик шаҳарчада янги ҳаёт бошлаганидан бениҳоя фахрланарди. Энди эса ўғли топган-тутганини Гуруҳнинг банк ҳисоб рақамига ўтказаяётганига индамай қараб туролмади. У ўғлига ҳар қанча гапирмасин, бари беҳуда эди. Дариуш бора-бора уйга камдан кам келадиган, охири онасини на йўқлайдиган ва на унга қўнғироқ қилиб қўядиган бўлди. Она эса ўғлидан МЕХга қўшилмасликни ёлвориб сўради. Бунга жавобан Дариуш онасидан воз кечди.

Дариуш ташқарига чиққач баҳорги тонг осмонига қараб Техроннинг чангли ҳавосидан нафас олди. Унинг бурнига бир маҳаллар туйган ҳидлар: куя, қуриган гиёҳлар, тупроқ ва бензин иси урилди – бу унинг болалигидаги ислар эди. Дариуш уйига келган эди.

Навбатда турган таксилар олдига бораркан, у ҳар бир майда қадамидан маза қилаётган, гўё емиш излаётган

2. Сазман – ташкилот. Бу ўринда МЕХ назарда тутилмоқда.

кабулар сингари бошини ҳар ён буриб, атрофга қараётган эди. Ҳар бир қарич ер унга шунчалар қадрдон экани Дариушни энтиктириб юборди, атрофидаги барча унинг яқинидек эди. Дариуш ҳеч қачон ҳеч нарсани бу қадар ўзиникидек ҳис қилмаган, юрагига бунчалар яқин олмаган. Ҳатто Гуруҳни ҳам.

– Ҳой, сизни яна қанча қутай? Ё машинага чиқинг, ё навбатдаги одамларга йўл беринг, – деди бўйнига ошхўрак таққан ва қўлидаги папкани кўксига босиб кўтариб олган киши.

– Кечирасиз, хаёл билан бўлиб... Вали Аср кўчаси, Парквейга бормоқчиман.

Учрашув жойи Техроннинг шимолий қисмига белгиланганига Дариуш хайрон бўлганди, аммо Гуруҳ аъзолари бошдан кечирган аччиқ тажрибадан билардики, шаҳарда улар кўзга унча ташланмайдиган гавжум жойлар жуда оз. Шимолий Техрон кўчаларида одамлар сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабалида яшайди. Улар ўзларининг суҳбатига берилиб кетганидан ва ортиқча галва чиқмасин деб, сизнинг ишингизга умуман аралашмайди. Илгари махфий вакил ва буюм келтирувчи ўртасидаги учрашувлар шаҳар марказидаги хилват паркларда бўларди. Ҳозир у ерлар гиёҳвандлар, дилерлар ва полициячиларга тўлиб кетган. Ҳатто атроф кимсасиздек туюлганда ҳам, Техрон марказидаги ҳар бир бурчакда яширин “кўз-қулоқ” бор. Бир гал ўртоқларнинг бозор яқинидаги учрашуви фожеага айланишига бир баҳя қолган. Пичирлаб гаплашаётганлар ҳақидаги хабар зумда таркаган. Гуруҳнинг икки аъзоси полиция келаётганини кўриб, жуфтакни ростлаган. Улар шу билан уч ой яшириниб юришган, кейин эса ўзи ҳам қочиб юрган курдларнинг ёрдами билан эшакда тоғлар оша чегарадан ўтиб, мамлакатдан чиқиб кетишган. Улар курдларга ўзларини намоиш уюштирган талабалар деб таништирган эди. Агар курдлар уларнинг МЕХ аъзолари эканини билиб қолса, ёрдам бермаган бўларди. Чунки

улар МЕХ Ироқ президенти Саддам Хусайнга курдлар исёнини бостиришда ёрдам берганини ҳали унутмаган. Шоҳ давридаги сиёсий маҳбуслар ва сиёсий сабаблар билан ўлимга ҳукм қилинганларнинг аксари МЕХ аъзолари эди. Бу эса уларга тарафдорлари сонини оширишга ёрдам берди. Инқилобдан икки йил ўтгач МЕХ аъзолари сони ярим миллионга етди. Унинг тез суръатда ўсиб бораётган қудратидан қўрққан Ислом инқилобчилари – дин пешволари ва ақидапарастлар ички таҳдид бўлганда қиладиган ишини қилди, яъни ўзиникиларга қарши бўлиб қолди. Улар МЕХ аъзоларини мунофиқ, иккиюзламачи деб атади, мужоҳидларни динга қарши курашиш учун Ғарб империалист кучлари билан тил бириктирганликда айблади. Тизимли тозалаш доирасида минглаб инқилобчилар дорга осилди ёки отиб ташланди. Тирик қолганлари Саддамдан паноҳ тилаб Ироққа қочди. Саддам Хусайн уларни Бағдод шимолидаги Ашраф лагерига жойлаштириб, қуроллантирди, урушга тайёрлади. МЕХ ҳатто Эрон-Ироқ урушида Ироқ армиясига қўшилиб, эронликларга қарши жанг қилди ва минглаб ватандошларини ҳалок этди. Ана ўшанда уларга бўлган муносабат ўзгарди.

– Худойим-эй, Эронда анчадан бери бўлмаган кўринасиз. Бу талаффузни қаерда орттирдингиз? Кечирасиз жаноб, қўполлик қилмоқчи эмасдим. Аммо Жорж Бушнинг талаффузидан ҳам дағалроқ гапиряпсиз. Америкадан келган бўлсангиз керак?

Хайдовчи кулди-да, бўйнини чўзиб, ойнадан орқа ўриндикка қаради. Дариуш сесканиб кетди.

– Ҳа, Америка, Вашингтон яқиниданман. Биз Эрондан кетишни истамагандик, аммо мажбур бўлганмиз, – у узрхоҳлик билан гапирди.

– Демак, йигирма йил бўлибди! Талаффузингиз бир ҳафтага дам олгани четга чиқиб келиб, қайтганида ўзини гўё форсчани унутиб юборгандек тутадиган бойваччаларникига ўхшамайди. Менинг қиз ўртоғим Истанбулдаги



АҚШ консуллиги олдида уч кун навбатда туриб кулгига қолди. Ҳаммамизни террорчи деб ўйлашади, – деди ҳайдовчи зарбли мусиқа янграётган радио овозини баландлатиб.

Дариуш Эрондан қочган пайтлари такси ҳайдовчилари Глория Гейнорнинг “I Will Survive” қўшиғини севиб тингларди.

Гарчи машинанинг ойналари ёпиқ бўлса ҳам, совук елвизак 1960-йиллар автомобили “Hillman Hunter”нинг форсча варианты бўлмиш оппоқ “Пайкон”нинг тирқишларидан кираётган эди.

Техронда машина ҳайдашнинг ягона тезлиги мавжуд: машинангиз қанча тез юрса, ўшанча. Кўп марта урилган эски “Пайкон” ҳам янги мотор қўйилса, худди ўртамиёна машина, масалан, “Пежо” сингари соатига 130 километр юра олади. Гуруҳдагилар ҳазиллашиб, Дариуш режим муҳофизларининг қўлидан ҳам кўра Техрон йўлларида ўлиб кетиши эҳтимоли кўпроқ, дейишганди. Балки, улар ҳақдир. Пачокланиб кетган машиналар, қонга ботган йўловчилар ва ҳатто йўл четида ётган ўликлар Техронга хос манзара эди. Албатта, Гуруҳ учун тирбандлик ҳам катта ташвиш туғдирарди. Шунинг учун улар машина эмас, балки мотоциклдан фойдаланишни маъқул кўрди. Аммо ҳозирги вақтда кўча бўм-бўш эди. Дариуш деразадан Техроннинг хуснига термилиб борди. Унинг кўзлари паст-баланд ҳовлилар, кўп қаватли иморатлар, идоралар, касалхонаю мактабларни кўрарди.

Дариуш Техроннинг бу қадар кўримсиз бўлганини эслолмайди. Унинг хотирасида муҳташам уйлар, хиёбонлар, француз услубида қад ростлаган нафис турар жойлар, виллалар ва боғлар, тирбандликлардан холи шаҳар қолган эди. Лекин ҳозир унинг кўз ўнгидаги манзара кулранг кўримсиз бетон плиталар уюми, ранги ўчган, доғ босган мрамар блоклари, тоғдек қад кўтарган сохта юнон устунлари ва ёрқин рангли пластик қувурлардан иборат эди.

Унинг она шахрини оёқ ости қилишганди. Ғазаби қўзиган Дариуш тишини тишига босди. Жаҳл ўткинчи нарса. Баъзан Дариуш ғазаб унинг танасини аста-секин тарқ етганини ҳис қилади. Бунда мушаклари бўшашиб, нафас олиши енгиллашади. У бу манзарани кўриб иштиёқини йўқотишидан, курашмай туриб енгилишидан қўрқиши мумкин эди. Аммо ҳозир эмас. Улар Дариушнинг шахрини тортиб олишди, шундай экан, у жангга тайёр.

Такси Вали Асрга бурилди. Бу кўча барча техронликларга ўз уйини эслатади. Бир қарашда Вали Аср ўша-ўшадек. Ўша баққоллик дўконлари, ўша butikлар, кафе ва ресторанлар, ҳашамдор витриналар ва ўша чайқовчилар. Фақат барлар энди йўқ, ота-онаси жуда севган вискихоналар, туни билан ишлайдиган, тамаки тутунига тўлган биллиард заллари, мижозлари қаторлашиб навбатга турадиган дискотекалар. Тан олиш оғир бўлса ҳам, Техрон уларсиз анча кўркам кўринарди – чунки Ғарбнинг зарарли ва қабиҳ таъсири Дариушнинг юртида илдиз отиб, унинг асосларини синдираётган эди. Аммо унинг ота-онаси айнан ўша дамлар – Паҳлавий кўчасида рақсга тушган ва маза қилиб ичган лаҳзалар бахтлироқ бўлганини ўйлаш Дариуш учун оғриқли эди. Бошқа тарафдан эса унинг ота-онаси шарафсиз маданият таъсирига тушиб қолгани ҳам Дариушга оғир ботарди. Хаёлан у ота-онасини оқлашга уринди: ахир улар 1970-йиллардаги техронлик ўрта синф ёш-яланг каби бор нарсадан завқланишган, холос. Аммо буларнинг бари баҳона эканини Дариуш биларди. Гуруҳ унга тўғри йўлни кўрсатган, Худо доим уларни кўриб туришини айтган эди.

Шаҳар уйкудан уйғонмоқда эди. Бўм-бўш кўчаларда одамлар, машиналар пайдо бўла бошлади. Уларнинг ёнидан қадди букилган қария апельсин ортилган аравани итариб ўтиб кетди. Сочи тўкилмаган бўлса ҳам, кўринишидан 100 ёш дейсиз. Овози эса ундан ҳам қарироқ – машиналар шовқинида эшитилмай қоладиган, баҳор шабадаси тўсиб қўядиган хирилдоқ овоз.

– Эҳ, бояқиш. Ҳой бобо, қанчадан сотяспиз? – деди ҳайдовчи унга қараб.

– Килоси 300 туман, ўғлим. Янги узилган, Мошининг ҳосилдор тупроғидан бугун терилган, – пичирлади қария елкалари орасига чўккан бошини кўтарган ва катарақта тушган кўзларини юқорига тикканча.

Унинг уст-боши ҳам қадимий бўлиб кўринди: уринган, доғ тушган кўйлаги, ғалати тарзда крахмалланган ёқаси ва энги унинг нимжон танасида осилиб турар, деҳқонларни-кидақа ғижим иштони эса ерга тегай-тегай дерди.

– Бобо, биз иккимизнинг сочимизни кўшганда ҳам сизникига етмайди. Қайтими ўзингизда қолавурсин.

– Бу мендаги бошқалардан ортиқ бўлган ягона нарса, – қария табассум қилганида милклари кўринди. – Умринг узок бўлсин, болам.

Такси олдинга силжиди, ҳайдовчи қариянинг олд ой-надаги аксига қараб бошини силкиди.

– Қишлоғидаги ҳамма мевани сотган тақдирда ҳам топган пули оиласини боқишга етмайди. Шу ҳам тирикчиликми? Шу ҳам ҳаётми? Бу шаҳарга лаънат теккан.

“Пайкон” дарахтлар туннелидан ўтиб, Парквейга кириб борди. Кўприк остидагида бу кенг бетон шосседа одамлар ва машиналар ҳар томон зигзаг шаклда ҳаракатланаётган эди. Ҳайдовчи пиёдалар учун махсус ажратилган жойда тўхтаганида машина офис ишчисининг портфелига тегди. Аммо у оломонга қўшилиб йўлдан ўтаркан, портфелини туртган машинага қайрилиб қарамади ҳам. Дариуш таксидан тушди-ю, тонгги тартибсизликлар ўчоғига ўзини отди. У буёғига тинч кетмаслигини, йўлни эронча усулда, яъни тирбандликка ўзини уриб кесиб ўтиш кераклигини англаганди. 10 метрча масофани кесиб, йўлнинг нариги бетига ўтишга 5 дақиқадан ортиқ вақт кетди. Ҳар қадам ташлаганида машина ёки мототцикл баланд овозда сигнал чалиб унинг қаршисидан чиқарди. Охири, чодра ёпинган аёл унга ўз ортидан эргашишини айтди. Аёл йўлдан ла-

панглаб ўтаркан, семиз танаси Дариушни машиналар ҳужумидан ҳимоя қилди. У Дариушга анчадан бери Эронда бўлмагани сезилаётганини айтди. Йигит ҳўрсинди.

Дариуш шимол томонга, Вали Аср ва Фаришта кўчаси кесишган чорраҳа бурчагида жойлашган кафега қараб юрди. Кафе очилганига анча вақт ўтиб қолганди. Нонуштага калла-поча – кўйнинг тили, кўзлари, юзлари ва мияси тайёрланганди. Девор ва полларига оқ кафель ёпиштирилганигами, бу ер кафедан ҳам кўра кўпроқ лабораторияга ўхшарди. Официантлари ҳам лабораториядаги каби оқ халат кийиб олиб, ликопчаларга юмшоқ, сирпанчиқ гўштларни жойлаётган эди. Юқори вольтли лампа ёруғида оқ рангли арзон чинни идишларга сузилган гўшт ва ёғнинг тилимлари шундоқ кўриниб турарди. Бир-биридан ажралиб турган гўшт, суяк ва тоғайнинг ёкимли ва исик ҳиди Дариушнинг димоғига урилди. Онаси Америкада бир неча марта калла-поча пиширишга уриниб кўргани ёдига тушди. Онаси билан калла-почани жимгина, маҳзун кайфиятда тановул қиларди. Калла-поча эркакларнинг таоми бўлгани учун бу таом уларга отасини эслатарди. У бу таомни ҳаммадан яхши пиширарди. Дариушнинг диндор монархист отаси шоҳлик даврида давлат хизматчиси бўлган. Ҳарбийлар кўчаларни айланиб, кўзига кўринган кимсани қўлга олганда уни ҳам сўроқ қилгани олиб кетишган, шу билан дом-дараксиз кетган.

Дариуш кафенинг сал ичкарироғида, ошхона пештахтаси яқинида бўш столни кўрди ва ўша томонга қараб йўналди. У столга ўтириши билан ўтиб кетаётган официант йигит столга тақ этиб стаканда чой кўйиб кетди. Орқасида пўлат қозонлар қайнаб, ичидан буғ чикиб ётар, ликопчаларнинг бир-бирига урилгани ва шўрванинг билқиллаб қайнаётгани эшитиларди. Дариуш таксидалигидаёқ ортидан ҳеч ким кузатмаётганини текширган эди, ҳозир ўтирган жойидан кўча шундоқ кўриниб турибди. Кўчада ҳеч ким йўқ. У барвақт келганди. Энди бироз бўш

қўйиб, ресторан ичини кўздан кечирди.

Ҳар турли ҳўрандалар бор эди бу ерда. Бирин-кетин кириб келадиган соқолли ишчилар ва офис хизматчилари столга эгилиб, тез-тез овқатланишяпти. Дазмолланган қўйлак кийган эски мижозлар столлар орасидан ўтиб боряпти. Улар неча йиллардан бери нонушта учун шу ерга келади. Эғнига камзул ва оёғига жунпайпоқ кийган, кўзлари чакноқ сайёҳлар эса Элбурс тоғидан тушгач тамадди қилишга кириб, таёқ ва рюкзagini столга суяб қўйган. Улар тонгги сайрдан сўнг ҳар бир лукмадан лаззатланиб, қуёшнинг иссиқ тафтида ҳаваскорлар билан тўлган сўқмоқларни босиб ўтганидан мамнун кайфиятда шошилмай қорин тўқлашарди.

Ўртадаги манзара эса Дариушда ҳам хавотир, ҳам жирканиш ҳиссини уйғотди. Бир гуруҳ ўсмир ва ўспиринлар стулларга чўкиб, бир-бирининг елкасига бошини қўйиб, оёқларини узатиб ўтирган эди. Кўзойнаклари бошига қўндирилган. Улар қикирлашиб, бир-бирига кўзини сузар, кечаги тун қандай ўтгани ҳақида пичирлашар эди. Пардоз оққан, кичиккина рўмолчага кистирилган сочлари терлаган пешонасига тушиб турган ҳолатда ҳам қизлар ниҳоятда гўзал эди. Пластик жарроҳлик орқали кичрайтирилган бурни нотабий кўринса-да, улар барибир гўзал эди. Улар қалин лабларини чўччайтириб, тушунарсиз сўзларни айтишар, кулганида бошларини орқага ташлаб, сийналарини олдинга чиқарар, қуёшда тобланган нозик қўлларини кўз-кўз қиларди. Уларнинг кулгиси хонани тўлдирди, кўз қорачиклари “экстаза”дан кенгайиб кетганди. Аёлларга қоматини яшириш учун ислом томонидан буюрилган ёпинчиқ – мантиянинг остидан кўриниб турган оқшом либосига ўрнашиб қолган ароқ хиди ҳамма ёққа тарқаб кетди. Улар катта идишда бош оғриғини қолдирувчи севимли егуликлари – мия шўрва ичишди. Бу ҳали танадан чиқиб кетмаган гиёҳванд модда ва алкоголь қолдиқларини эритиб юборади.

Дариуш кизларга шу қадар тикилиб ўтирганидан шериги ресторанга кириб келганини сезмай ҳам қолди.

– Салом, биродар. Уйингга хуш келибсан.

Атрофдагиларга анқайиб қараб ўтирганидан Дариуш-ни одамлар орасидан таниб олиш осон кечди. Аввалдан келишилганидек, бир даста калит ва қизил “Marlboro” тамаки қутисини столга қўйиб ўтиришига ҳожат қолмади.

Дариуш хижолат тортди. У хушёр ўтириши керак эди.

– Хавотир олма. Ватани таназулга учраётган бир вақтда бу болалар ўзини ҳайвондек тутаётгани ҳаммани ҳайратда қолдиради. Демак, сен барчамизни асраш учун келдинг, шундайми? – У мийиғида қулди ва овозини пасайтириб деди: – Миссиянгдан хабарим бор. Жаҳонгир менга қисқача тушунтирди. Мени Киан деб чақирасан. Нима қилиш кераклигини биласан.

Икковлон жимгина овқатланди. Ҳисоб келишини қутиб ўтирмай Киан столга бир даста пул ташлади-да ресторандан чиқиб кетди. Дариуш унга эргашди ва улар Вали Аср бўйлаб шимолга, Тажриш майдониға олиб чиқадиган муюлишга қараб борди. Фирдавс боғидаги эски сарой боғлари ёнидан ўтаётганда уларнинг тўпиғини майин шабада силаб ўтди. Вали Асрда баҳор нафаси сезила бошлаганди: дарахтлар қуртак чиқарган, янги барглар ёпишқоқ шира ҳиди билан қоплаган, жанубдан келтирилган хом бодомлар, энди сарғая бошлаган олхўрилар, ўрик ва анжирлар уюми, боғлам-боғлам тархун ва ялпизлар дўкон расталарида пайдо бўла бошлаганди.

Улар чапга бурилиб, эски Шемиран маҳалласи кўчаларига, у ердан қовурилаётган пиёз ҳиди анқиб турган кулранг кўпқаватли турар жой биносига кирди. Олтинчи қават. Айвондан юзлаб баланд бинолар тоғ соясида қурилган ўйинчоқ уйга ўхшаб кўринарди. Чўккилардаги қорнинг эса ҳали ҳам эриш нияти йўқ эди.

– Хонадон тоза. Қурт-қумурскалар йўқ. Кеча ўзим текширдим.



Хонани чанг босган эди. Киан эски чарм диван устидаги елим чойшабни олди. Камзули чўнтагидан куёшда ранги ўчиб кетган харитани чиқарди. Уни столга қўйиб, тахларини ёзиб, текислади.

– Сенга шуни беришим айтилган. Харитага белгилар қўйилган, шунинг учун тўғри келган жойга ташлаб кетма. Қасрга боришинг кераклигини ўрганиб ол-да, кейин ёқиб юбор.

Дариуш харитани ўрганишга тушиб кетди. Техроннинг нотаниш периметри бўйлаб қўлларини юргизди, бетон ва ғиштдан қурилган янги мавзелар харитада семиз бармоқларга ўхшар, тоғлар, чўллар, текисликлар ва қишлоқларга чиқадиган йўлни кўрсатиб турган эди. Харита марказида нишонга олинган Техроннинг собиқ полиция бошлиғининг уйи ва иш жойи иккита айлана билан белгиланганди.

– Мана бу СИМ карталар. Ҳеч бирини икки ҳафтадан ортиқ ишлатма. Такси буюртирмайсан, кўчадан тутасан. Бўлди, айтадиганларим шу. Сенга омад.

Дариуш харитадан бошини кўтарди:

– Кетяпсанми? Бўлдимми? Қурол-чи? Мени шошилинч олиб кетадиган ҳайдовчи-чи?

– Нима? Улар буни ҳал қилмадимми? Бу уларнинг иши-ку.

Дариуш қўли билан столга урди. Ҳавога чанг кўтарилди.

– Ҳазилми бу? Биз жонимизни жабборга бериб ишляпмиз. Мен ҳаётимни хавфга қўйяпман, сенга эса ҳеч нарсанинг фарқи йўқдек!

Киан сигаретини ёқди. Уни чуқур тортди-да, бошини қафтлари орасига қўйди. Шу ҳолда Дариушга деди:

– Биродар, сен қилаётган иш тахсинга лойиқ. Мен буни қадрлайман. Аммо бу ерда ҳаммаси бошқача. Сенга уқтириб келишган гаплар бу ерга тўғри келмайди. Бизга қанча босим бўлишини биласанми? Катталар куну тун

назорат остида бўлади. Сенга тажрибасиз бола жўнатиш-маганига шукр қил. Акс ҳолда, қамалиб кетишинг ҳеч гап эмас эди. — У қоғозга рақамлар ёзди. — “Педрам дўкон яна очилганини айтиб юборди” дегин. Шуни айтсанг бўлди. Хайдовчини ўзим ҳал қиламан. — У эшикка етганида яна ортга ўгирилди. — Яна бир гап, бу ерда одамлар бизни кўп ҳам ёқтирмаслигини эшитсанг ажабланма. Ҳа айтганча, бу Гуруҳнинг биринчи марта аҳмоқлик қилиши эмас. — У бошини силкитганча чиқиб кетди.

Агар икки йил аввал кимдир Дариушга МЕХ ташкилотига қўшилишини айтганида у бунга кулган бўларди. Дариуш ҳеч қачон сиёсатга қизиқмаган. У инқилоб ҳақидаги гапларни эшитиб катта бўлган бошқа бир қочоқ эронликдан ортиқ нарса билмасди. Виржинияда унинг ҳаёти тинч кечган. Арезуни учратди-ю, ҳаммаси ўзгариб кетди.

У Арезу билан университетда танишган. Дариуш компьютер муҳандислигига ўқиётган эди. Илк суҳбатдаёқ иккови ҳам содир бўлиши муқаррар нарсани ҳис қилишганди. Уларнинг кўп ўхшаш тарафлари бор эди: ҳаёт зарбига учраган ва жиддий ёшлар. Арезу Дариушга ота-онаси сиёсий фаол бўлгани учун инқилобда ўлдирилганини айтганди. Оиласига доир оддий саволларга ҳам у доим мужмал жавоб берарди. Бошқа талабалар уни совук қиз деб ҳисобларди, Дариуш эса унга қизиқиб қолди. Улар жуда эҳтиёткорлик билан бир-бирига кўнгил қўйди. Охири Дариуш Арезунинг қалбини забт этди. Дариуш қалбан яқин инсонини топган эди.

Улар илк бор қовушгач Арезу Дариушга МЕХ Гуруҳига аъзо эканини айтди. Дариуш ҳайратдан ёқа ушлади. У МЕХни бир гуруҳ аҳмоқлар тўдаси деб биларди. Унинг аъзолари муллалар каби қабих ва ҳамманинг нафратига йўлиққан деб ҳисобларди.

У бу борада Арезу билан баҳслашганида қиз Гуруҳни ҳимоя қилиб Дариушга ташланди. Гарчи йигит Арезунинг МЕХ озодлик курашчилари экани, Эронда ҳамма уларни



қўллаб-қувватлаши, улар ҳукуматга қарши тура оладиган ягона гуруҳ экани ҳақидаги гапларга қўшилмаса ҳам, унинг билими, тарихдан бохабарлиги ва фактларни тўғри келтира олишига қойил қолганди. Арезу сазман ҳақида тез-тез гапирадиган бўлди. Лекин суҳбат доим тортишув билан тугарди. Қиз Дариушни Гуруҳнинг йиғилишларига боришга ундар, аммо у доим рад қиларди.

Бир сафар оқшомда кечки овқат тайёрлаётиб, Арезу орани очиқ қилмоқчи эканини айтди. Дариуш хўнграб юборди. Қиз унга агар Дариуш Гуруҳ унинг ҳаётининг бир қисми эканини тан олмаса ва буни ҳурмат қилмаса, ортиқ у билан қололмаслигини айтди.

У бу гапларни ҳеч бир ҳиссиётсиз айтди.

– Менинг борим шу. Агар севсанг, мени боримча қабул қилишинг шарт.

Дариушнинг кўнишдан ўзга иложи қолмаганди. У ҳаракат қилиб кўришга ваъда берди.

Яна бир неча ойдан сўнг Арезу Дариушга бор ҳақиқатни ошкор қилди. Арезунинг ота-онаси ўлмаган, Ироқдаги Ашраф лагерида яшаётган эди. Уларни МЕХнинг раҳбари Масъуд Ражавий бир-биридан ажратган эди. Масъуд ва унинг рафиқаси Марям жорий қилган “мафкуравий инқилоб” мужоҳидлар садоқатини исботлайдиган оммавий ажримни ҳам ўз ичига оларди. Юзлаб одамлар яқинларидан айро яшашга маҳкум этилди. Ҳатто эр-хотинлар қонунан ажрашди. Масъуд Ашраф лагеридаги аъзолардан никоҳ узукларини топширишларини талаб қилди. Арезу у пайт ёш бола эди, ота-онаси билан лагерда яшарди. Уни дарҳол узоқ бир қариндоши ишлайдиган Вашингтондаги “умумий уй”га жўнатиб юборишди. Арезунинг ота-онаси сазманга хайрихоҳ бўлмаганлар билан алоқани узди. Арезу отасининг иккинчи амакиваччаси бошқарадиган шаҳар чеккасидаги катта уйда ўсди. Отасининг амакиваччаси оммавий ажримнинг барча қурбонларини, яъни Арезудан бошқа яна уч нафар болакайни тарбиясига олганди.

Арезу аввал ёлгон гапирганидан жаҳли чиқиш ўрнига Дариуш ўзига ишониб айтилган сирлар учун ундан миннатдор бўлди. Арезунинг сири очилиши уларни янада яқинлаштирди. Бу ҳам етмагандек, Дариуш мужоҳидлар гуруҳи Арезуга қилган яхшиликлари учун Гуруҳга меҳр кўя бошлади.

Дариуш ўсмир чоғидаёқ Ислом инқилоби унинг ва оиласининг ҳаётини барбод қилгани учун динидан воз кечганди. У динда фақатгина тақиқлар ва чекловлар рўйхатини кўрди. Аммо Арезу унда бошқача фикрлар уйғотди: Ислом – ҳақиқий ижтимоий адолат ва аёлларга ҳам тенг ҳуқуқ берадиган дин. У Дариушга Ашраф лагерида жангари аёллар танк бошқаргани ва қуролдан ўт очгани ҳақида гапириб берарди. Дариуш эса бу гапларга маҳлиё бўлиб қолганди.

Қурол сотувчи Дариушни дарров таниди.

– Кимлигинг шундоқ пешонанга ёзиб қўйилган. Жосусларга ўхшаб тутяпсан ўзингни. Ортимдан юр.

Дариуш Кианнинг кўрсатмалари бўйича иш тутаётган ва қурол етказиб берувчи билан Техрон марказидаги Ҳафт-э Тир майдонида жойлашган, мева шарбати сотиладиган дўконнинг олдида учрашишга келишган эди. Бу рамзий учрашув жойи эди. Дариуш қурол келтириб берувчи ҳам Гуруҳга аъзоми йўқми, қизиқди. Ҳафт-э Тир 1981 йил 28 июнь санаси билан боғлиқ. Ўша куни МЕХ майдонга кўмган бомба портлаганда Олий суд раиси оятуллоҳ Бехешти ва яна етмиш беш нафар амалдор ҳалок бўлган. Дариуш учун Техрон кўчалари ғалабаларга тўла. Гуруҳ мужоҳидлари бомба портлатган, ҳукумат биноси ва ҳарбий биноларга снаряд ва замбаракдан ўқ ўзиб, ҳужум қилган. 1980 йилларда МЕХ аъзоларига қарши оммавий қирғинда қатнашган Эвин қамоқхонаси директорини 1998 йилда ўлдириб кетишган. 1999 йил МЕХ мамлакат Олий раҳнамосининг ҳарбий маслаҳатчисини ўз уйи ташқарисида ишга кетаётган маҳал қатл қилган.



Қурул етказувчи билан учрашувга келаётганида Дариуш Киан берган харита эски эканини сезди – янги йўллар тушибди, кўп кўчаларнинг номи ўзгарибди. Баъзан Дариушга Гуруҳ жуда тажрибали, баъзида эса бир тўда безорилар бўлиб туюлади.

Қурул сотувчи тор кўчалар бўйлаб елдек учди ва бетонли турар жой биносига кириб ғойиб бўлди. Дариуш унга эргашиб учинчи қаватга чиқди ва меҳмонхонаси тўзиб ётган, 1980-йилларда урф бўлган мебель билан жиҳозланган, деразасига жигарранг духоба пардалар илинган хонадонга кирди.

– Сенга АК-47 олиб беришим мумкин. Ҳозир бори шу.

– Яхши, унда шунисидан оламан. Сиз ҳам сазман та- рафдоримисиз?

– Худо сакласин! – қурул сотувчи кулди. – Қулоқ сол. Сендақаларнинг кўпини кўрганман. Ҳаммангиз халоскор бўлиш хаёли билан келасиз, худдики биз кимдир келиб кутқаришини кутаётгандек. Ҳақиқат шуки, сизларга тоқат қила олмаймиз. Шахсий адоватим йўқ. Аммо минг доллардан гаров ўйнашим мумкинки, бир ойдан кейин сени қўллаб-қувватлайдиган бирорта техронлик тополмайсан. Биродар, ёвузликлар ичидан тузукроғини танлайсан. Опа сен билан шуғулланади. – У боши билан пушти велюр камзул кийган малласоч аёлга имо қилди, кейин эса кетди.

Аёл сигарета тутатди, Дариушга тикилди. Йигитда- ги барча нарса аёл кишини ўзига тортарди: баланд бўй, кенг елка, қалин сочлар, камсукум қиёфа. Аёл телефон- да гаплашиб, йўлак бўйлаб юриб кетди ва кўздан ғойиб бўлди. Бироздан сўнг қўлида яп-янги АК-47 ва бир халта ўқ кўтариб келди. Дариуш пулни бераётиб у билан бироз гаплашмоқчи бўлди, лекин аёл унга жавоб бермади.

– Агар тирик қолсангиз, одамларингизга Эронни ўз ҳолига қўйишини айтиб қўйинг, – деди у йигитнинг орти- дан эшикни ёпаётиб.

Ташқаридагилар учун Мужоҳедин-э Халқ сира ту-

шуниб бўлмайдиган сир. Уларнинг энг катта базаси Парижда. У ерда ўзларининг сиёсий қаноти – Эрон Миллий қаршилиқ кенгаши байроғи остида фаолият кўрсатади. Хатто баъзи аъзолар Гуруҳнинг тамойиллари ва сиёсатини аниқ изоҳлашга қийналади: марксизм, ислом ва миллатчилик қоришмаси. 2003 йил Масъуд Ражавий сирли равишда ғойиб бўлганидан сўнг ташкилотга унинг рафиқаси Марям Ражавий бошчилик қилиб келади. Марям ва Масъуднинг тарафдорлари уларга гурудек қараб, сиғинишдан ҳам тоймайди. Марямнинг кўзлари яшил рангда, ўзи ўрта ёшли аёл, пардоз қилмайди, аммо қошлари чиройли қилиб терилган (Эронда ўзини хурмат қиладиган ҳар қандай аёл ҳар қанча сипо кўринишга уринса ҳам, қошларини чиройли шаклда териб юради), сочларини тўла ёпиб турадиган шарф ўрайди. У кўринишидан Эроннинг энг катта мухолиф гуруҳи етакчисидан ҳам кўра кўпроқ кишлоқда яшайдиган, консерватив уй бекасига ўхшайди. Ўзининг тинчлантирувчи овози ва озод Эрон ҳақида тўлқинланиб сўзлаган нутқлари билан Эрон режимиға қарши курашда барча Европа ва Америка сиёсатчиларининг қўлловига эришган.

МЕХ Ғарб ҳукуматларини ўзи томонға оғдириш учун миллионлаб маблағ сарфлайди, бунда сиёсатчиларнинг чиройли ва таъсирли нутқ сўзлаши учун катта пул тўлайди. Бу билан МЕХ яна бир инқилобға тайёрланыпти: ёки АҚШ ё Исроил хужумига ёки ҳукуматдан бошқарувни тортиб олиб, мавжуд режимни вайрон қилишға.

МЕХнинг Дариуш қатнашган илк йиғини черков залида бўлган эди. Ундан ташқари яна эллик чоғли киши келганди: ўрта ёшли дилкаш уй бекалари, профессионаллар, талабалар ва бир талай америкаликлар. Улардан фақат бир нечтасигина ҳақиқий аъзо эди, қолганлар эса ўзини Гуруҳ тарафдорлари деб атарди. Аёллар пешонасигача тушиб турадиган қизил рўмол ўраб олганди. Улар бир-бириға

“хоҳар”³, ва “биродар”, деб мурожаат қиларди.

Америкаликлар бу жасур “озодлик курашчилари”га тасанно айтарди. МЕХни қўллаб-қувватлашга рози бўлган сенаторлар (мўмайгина пул эвазига) ҳақида янгиликлар чиқарди. Маҳаллий бўлинманинг обрўли етакчиси Биродар Фаридун Эронда инсон ҳуқуқлари топталаётгани, одамлар ҳибсга олиниб, қийноқларга дучор қилинаётгани ҳақида нутқ сўзлади. Проекторда махбусларнинг крандан осилиб турган танаси, дарраланган баданлари ва жонсиз кўзларининг суратлари кўрсатилди. Қурбонларнинг деярли ҳаммаси Гуруҳ аъзолари эди. Дариуш ғазабланди.

Кейин улар стол атрофида зерешк поло ба морғ – зиркли гуруч ва товуқ тановвул қилиб, болалари ва ишлари ҳақида чақчақлашиб ўтиришди. Бу исёнчи гуруҳдан ҳам кўра шаҳар кенгашининг йиғилишига ўхшаб кетарди. Дариуш буларнинг ҳаммаси ўта оддийлигидан ажабланди. Арезу эса одамови киздан кўнгли очик, дилкаш қизга айланди. Дариуш уни биринчи марта жуда бахтиёр ҳолатда кўрди.

Бундай йиғилишлар Дариушнинг ҳаётида мунтазам тус олди. Ислом Республикаси МЕХ аъзоларига худди ҳайвондек муносабатда бўлаётгани унинг ғазабини кўзгарди. Биродар Фаридун Дариушга алоҳида эътибор бериб, бошқалардан кўпроқ вақт ажратарди. У Дариушга бошқаларга айтмаган гапларини айта бошлади, оқсаб юришига бир махфий операция сабаб эканини тушунтирди. Ўшанда Биродар Фаридуннинг дўсти қурбон бўлган, ўзи эса оёғидан жароҳат олган. У яна Дариушга Гуруҳнинг ҳукуматда жосуслари борлиги, улар юқори лавозимларда, баъзилари ҳатто ядро қуроллари синовдан ўтказиладиган жойларда ишлашини айтди. Бора-бора Дариуш етакчиларнинг нутқлари ёзилган кассеталарни соатлаб тинглайдиган бўлиб қолди. Улар айтаётган гапга ишонмасликнинг иложи йўқ эди. У Гуруҳ учун хайрия пуллари йиғиш би-

3. Хоҳар – (форсча) опа ёки сингил.

лан шуғулланди ва ўшанда асосий база Ашраф лагерида сақланишини билиб олди. Дариуш у ерга юборишларига умид қила бошлади. Она ватанидаги аҳвол жуда танг, тезда бир чора кўрмаса бўлмасди. Дариуш худди тўти каби Биродар Фаридуннинг айтганларини такрорлай бошлади: “Халқимиз бизни севади, улар биздан нажот кутмоқда. Ўша жаҳаннамдан қутқаришимизга ишонмоқда.”

Банг. Бомба портлагандек овоз эшитилди. Дариуш беихтиёр каравотига чўкди. Банг-банг-банг-бум. Ташқарида нимадир хуштак чалиб, учиб ўтди. У машғулотларда барча турдаги артиллериянинг овозини эшитган, аммо ҳозиргина жаранг сочган шовқинни у сира эшитмаган. Кейин бақир-чақирлар эшитилди, кулгининг овозига ҳам ўхшайди. Аста дераза олдига бориб, ташқарига қаради ва осмонда оппоқ учкунлар отилиб, гул тасвирини ҳосил қилаётганди. Дариуш оловлар фестивали – “чаҳаршанбэ сури”ни унутиб юборган эди.

МЕХ уни мусулмонларнинг Янги йили – Наврўз пайтида жўнатган эди. Наврўз Эронда баҳорнинг илк кунига тўғри келади. Бундай пайтда қочкинда юрганлар оиласини кўргани юртга келиши Дариушга қўл келиши ҳақида Гуруҳдагилар айтишганди. У энди қулай фурсатни пойлаши керак. У Киан олиб келган китобларни ўқиди, уларнинг орасида унинг севимли асари – Али Шариатининг “Марксизм ва Ғарбнинг бошқа хатолари: исломий танқид” ҳам бор.

У сайрга чиқди. Юзлаб болалар кўчаларда йўлнинг ўртасига гулхан ёқиб устидан сакраб ўтар, қадимий зардуштийлик мантрасини куйлаб омадсизлик ва касалликларни ёқиб юборишар эди. Яна бир талай болалар кўлига учкун сачратгич кўтариб, қувлашмачоқ ўйнапти. Вали Асрда мушакбозлик авжида. Машиналар йўл четига қўйилган, мусиқа баланд овозда янграпти, одамлар деразадан энгашиб кўчага қараяпти. Ҳукумат “чаҳаршанбэ сури”ни зардуштийликнинг исломга зид бўлган маъжусий сарқити,

деб эълон қилиб, уни нишонлашни тақиқламоқчи бўлган. Аммо Наврўз ва у билан боғлиқ барча удумлар эронликлар учун худди бошқа исломий байрамлар каби маданий аҳамиятга эга эди. Шу боис ҳукумат ҳар қанча уринмасин, бу жангда мағлуб бўлди. Дариуш одамларга ҳайрат билан қаради. Бу аҳволда қандай қилиб бунчалик завқ-шавққа тўлиш мумкин?! МЕХ унга уқтирган ҳақиқатлар ва мамлакатда содир бўлаётган воқеалар ўртасида нега бу қадар катта жарлик борлигини тушунолмади. Аммо шу вазиятга ҳам МЕХнинг кўзи билан қараш мумкин: бу болалар мавжуд тузумга бўйсунмаслигини кўрқмасдан намоиш қилмоқда. Нариги кўчада бир гуруҳ ўсмирлар рақсга тушиб, қарсак чалаяпти, баъзилари машинанинг капотига чиқиб олиб, белини қимирлатиб кўшиқ айтаяпти. Қизлардан бири ҳатто бошидаги шарфни шартта ечиб, кўлига олди-да, ҳавода айлантирди, атрофидагилар эса унга хайрихоҳлик билан қичқирди. Дариуш бу оммавий ғалаён эканини англади.

Дариушга ушбу миссия топширилганда Арезу унга аввал сира бунчалик фахрланмаганини айтганди. Фахрий аъзолар унинг ташкилотга садоқатини кўрган ҳамда Ислом Республикасига қарши курашда ўлимга ҳам тайёр эканини фаҳмлаган эди. У Гуруҳга яқинда қўшилгани аҳамиятсиз эди. Уни танлашда бошқа омиллар роль ўйнади. Гуруҳга бир неча йиллардан бери аъзо бўлиб келаётган, пул ўтказаётган (ҳамма аъзо ташкилотга пул ўтказиб туради), хизматларини тақдим қилаётган, аммо мансаби сира юқориламаган, ички “танланганлар”га кирмаганлар кўп эди. Гуруҳ учун борини бағишлаш – ана шу асосий омил эди. Бу – интизом, қурбонлик ва садоқат демак. Дариушни аввал АҚШдан Парижга юборишди, у ерда йигит яна ҳам юқориқоқ лавозимдаги МЕХ аъзолари билан танишди. Дариуш ҳаммада ижобий таассурот уйғота олди. У мафкуравий машғулотларга муккасидан кетган, Ражавийларга нисбатан ўз ҳисларини батафсил ҳисобот қилиб

топширар, уларнинг барча нутқларини ёддан билар эди. Ана ўшанда Дариушни Ироқдаги Ашраф лагерига миссияга тайёргарлик кўриш учун жўнатишди.

Ашраф лагерида қаттиқ интизом ўрнатилганди. Дариуш интенсив тайёрланиш дастурини ўташи керак эди: унга қурол ишлатиш, граната улоқтириш, бомба қўйиш, қурбонни зимдан кузатиш, махсус диктофон ва кузатув камераларидан фойдаланиш, нишонга олиш ўргатилди. Аёллар ва эркеклар айри-айри тайёргарлик кўрди. Шахвоний хаёллар миядан чиқариб ташланиши керак эди. Фикрни тозалаш учун Дариуш мажбурий “тазарру” машғулотида қатнашди. Бу уни акалари ва опаларига яқинлаштираётгандек туюлди. Унга ўхшаб оиласи билан алоқасини узганлар кўп эди. Уларга доим ватанида тарафдорлари кўп экани уқтириларди. Ҳеч ким Эрондаги фаол аъзолар сонини очиқламасди, аммо гап катта тармоқ ҳақида кетаётгани ҳамда бир гуруҳ фидойилар унга ёрдам беришига Дариушни ишонтиришди.

Суиқасд куни келди. Дариуш тонгни асабларини тинчлантирувчи нафас олиш машқлари билан бошлади. Ҳаммаси режаланган. У собиқ полиция раҳбарини бир неча ҳафтадан бери кузатиб юрибди. Байрамлар тугагач биринчи куни тонг саҳарлаб у эски кийим ва йиртилган пойабзалда уйдан чикди. Собиқ полиция бошлиғи яшайдиган маҳаллага тонгги соат 5 дан сал ўтиб етиб борди ва йўл четида ўтирди. Ҳеч ким уни сезмади.

Собиқ полиция раҳбари ҳар куни кичик офисга ўзи машина бошқариб борарди. Раҳбар бўлиб ишлаган пайтлари эса уни ўқ ўтмайдиган машинада соқчилар олиб юрарди. Дариуш кўзлаган ишим осон кечади, деб ўйлади. У ўлжасига ишдан қайтаётганда, узун тирбандликда турганида ўқ узмоқчи бўлди.

Киан МЕХ ташкилотига энди қўшилган, аммо садоқати Ражавийларнинг қулоғига етиб боришини истайдиган ёш механикни Дариушга ҳайдовчи қилиб берди. Улар уй-

дан чиқиб кетаётганда ҳайдовчи Дариушнинг елкасига қўлини қўйиб деди:

– Мен ҳақ иш учун ўлимга ҳам тайёрман.

Дариуш унинг қўлини сиқди:

– Мен ҳам.

Собиқ полиция бошлиғи одатдаги вақтда бинодан чиқди ва машинага ўтирди. Дариуш ва ҳайдовчи унинг ортидан эргашди. Тирбандликка яқинлашганда бўлғуси қурбон машинасини секинлатди. Дариуш ҳайдовчининг елкасига секин урди – бу уларнинг сигнали эди. У полиция раҳбарининг машинасига орқа тарафдан жуда яқин борди. Дариушга қурбонининг бўйнидаги сочлар ҳам машина орқа ойнасидан кўриниб турарди. У ўқ узди. Ойна синиб кетди. Автоматини қўлида тутганча орқага қаради. Ҳамма ёққа қон сачради. Собиқ полиция бошлиғи рулга суяниб қолганди. У ҳали ҳам кимирияптими? Кейин Дариуш учиб кетди. Гурс этиб ерга тушди. Нафаси бўғилди. Одамлар уни пастга босарди. Боши асфальтга тегиб турарди. Юрак зарби бутун танасига тарқаётганини ҳис қилди. Кўз олди хиралашди. Нима бўлаётганини англаб олиши учун қанча вақт кетди? Бир дақиқа, икки дақиқа ёки ўн дақиқа? Билмайди.

Аста ҳаммасини тушунди: нимадир мотоциклга келиб урилди ва у ҳавога учди. Уч нафар полиция офицери унга ташланди. У иштони хўл бўлиб қолганини сизди. Ҳайдовчи кўринмасди. Полициячилар уни мажбурлаб ўрнидан турғизди. Миясига қурол тиралган эди. Шунда ҳаммаси тугаганини англади. Гуруҳдагилар унга айтишган эди: агар улар сени тутиб олса, бешафқат қийнайди, бу қийноқлар йиллаб давом этиши мумкин. Улар сени зўрлайди. У суратларни эслади. Шунинг учун оғзига цианид капсуласини солганди. Йиқилганига қарамай ҳали ҳам оғзида турибди. У капсула қопламани тишлади. Ичидан оғзига суюқлик отилиб чиққанини сизди. Тўққиз сония. Заҳар танага тарқаши учун шунча вақт керак дейишганди. Аммо

ўн беш сония ўтди-ку ёки ўлаётганда вақт шунақа имиллайдими? Дариуш кўзларини чирт юмди. Аммо у ҳали ҳам тирик эди. Ўтгиз сония бўлди. Балки Гуруҳ бир неча сонияга адашгандир. Улар кўп нарасада адашган кўринади.

– Фургонга чиқ деяпман!

У кўзларини очди. Бир дакикадан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам ҳали тирик. У секин қадам босди.

– У дори ичиб олибди. Бутунлай карахт.

У полиция офисига боргунча ҳам ўлмади. Нафақат унга берилган харита, балки цианид ҳам эскирган экан. Кўп йиллик кийноқ ва зўрлик кутаётган, ўлмай қолган Дариушдан фаркли ўлароқ, заҳар эриб, учиб кетди – муддати ўтган экан.

Полиция офисида унинг қўлидан кишанларни ечиб, кичик хонага қамаб қўйишди. Полициячилар негадир уни тинтув ҳам қилмади. Яхшиям у қурол сотувчининг олдига бориб, граната сотиб олганди. У ҳали ҳам шимига қистрилган ҳолда турибди. Офицер эшикни ёпиши билан Дариуш граната ҳалқасини тортди. Фақат уни бошига кўтаришидан олдин портлаб кетди. Дариуш бир қўли хонада учиб кетганини кўрди. Кейин ҳушидан кетди.

Судья хорғин кўринарди. Бир пайтлар у бундай аҳмоқлардан юзтасини отишга ёки осишга ҳукм қилган. Ўшанда унинг нуфузи тўрт бўғинли аниқ ва қисқа сўз билан ифодаланган: ҳукм-э одам – ўлим жазоси. У қаршида турган Дариушга қаради. Дариуш кўрқувдан дағ-дағ қалтираётган эди. Ўнг қўлининг ўрни бинт билан ўралганди. Адвокатлари унинг онги заҳарлангани, ҳозирда эса у қилган ишидан пушаймон эканини айтди. У ҳеч кимни ўлдирмади. Ўқ собиқ полиция раҳбарининг бўйнини силаб ўтди. Судья шарикли ручкасини олди-да, ҳукм ёзди.

Фатеми кўчаси, Техрон маркази, бир неча йилдан сўнг

Галоген чироқ ғинғиллаган овоз чиқариб ёниб турибди. Унинг юкоридан тушаётган кўкимтир нури ҳамманинг



киртайган ёноклари, тагига қора қопча тушган кўзлари-ни яққол кўрсатяпти. Учта оила хароба бюродаги елим стулда сассиз ўтирибди. Елим стол устидаги чой солинган кичик финжонга ҳеч ким қўл узатмади. Уларнинг кўзлари эшикка қадалганди. Дариуш хонага кирди. Эғнида крахмалланган оқ қўйлак ва жинси шим. Яна уч киши бошини хиёл қуйи солганча унинг ортидан кирди, кўзлари хонага синчиклаб назар солди. Йиғи-сиғи бошланди. Уч киши-ни тезда ўраб олишди. Оналар ўғилларини бағрига босди, бир киши тиз чўкиб олди, опаси укасининг сочларини силади, ота эса бошини қўллари орасига олди, кўз ёшлари билагини ҳўл қилди. Уч кишининг бири йигирма йилдан буён оиласи билан учрашмаган. У нукул бир сўзни так-рорларди: Кечиринглар!

Дариуш протез қўлини қимирлатган қўйи хона бурча-гида уларга қараб турарди. У бундай дийдорлашишларни кўп кўрган, аммо ҳар сафар кўрганида ҳалигача йиғлаб юборади. У хонага бошлаб кирган уч киши МЕХнинг со-биқ аъзолари. Энди эса улар Дариуш каби қочоқ ҳисобла-нади. Йигитлар Гуруҳда ўтказган вақтларини ҳикоя қилиб беришади. Онгни заҳарлаш ва афсусланиш ҳақида гапи-рилганда Дариуш индамай бош ирғайди. У Ашраф лаге-ридаги калтаклар ва оммавий тазарруларни яхши эслай-ди. Бир ўртоғини мастурбация билан шуғулланганини тан олишга мажбур қилишган. У Гуруҳда тақиқланган амал эди. У яна бошқалардан ажратиб қўйишлари, лагернинг кичик худудидан ташқарига чиқишга рухсат берилмаслиги ҳамда аёллар ва эркакларни ажратиб қўйишганини эслай-ди. Дариуш ёрдам берган бир кишига аёли билан бирга бўлишига ўн беш йил рухсат берилмаган экан. Ваҳолан-ки, эр-хотин иккиси Ашраф лагерида яшаган. У лагерга мужоҳидларнинг оиласи келгани, яқинларини кўришни ўтиниб сўраганини ҳам эслайди. У МЕХ культининг бир қисми бўлганини эслайди.

Муваффақиятсиз кечган суикасд уринишидан сўнг Дариуш ҳарбий касалхонага жўнатилди. У ерда шифокорлар ва ҳамширалар Дариуш соғайгунча парвариш қилди. У бир умрга озодликдан махрум қилинган эди. Сўнг муддат саккиз йилга ўзгартирилди. Тўрт йилни Эвин қамокхонасида ўтказди. У сиёсий маҳбуслар бўлимида эди, камерадолари эса муҳолифатчилар ва талабалар эди. Қамокда Дариушнинг кўзи очилди ва мамлакати ҳақида бор ҳақиқатнинг тагига етди ҳамда МЕХ унга уқтириб келган гаплар ёлгон эканини англади. Ўзининг айтишича, қамокхонада уни қийнашмади.

Ҳукумат Дариушни нега ўлдирмагани, нега унга енгил жазо берганини ҳеч ким билмайди. Энг ҳақиқатга яқин изоҳ – у келишган: МЕХнинг ички сирлари эвазига озодлик. Эронликларнинг фитна назарияларига ўчлиги чандон ортган. Дариушни мавжуд тузумнинг жосуси дейдиганлар ҳам топилади. Аслида, қандай бўлса ҳам, ҳукумат айёрлик қилди. Ислом Республикаси барча қочокларга афв эълон қилди, ўнлаб хорижда юрганлар ватанига қайтди. Саддам Ҳусайн ағдарилгач МЕХни Ироқда ортиқ хушламай кўйишди. Ашраф лагеридаги вазият оғирлашди. Дариуш Эрон Ислом Республикаси томонидан авф этилган Гуруҳ аъзоси сифатида танилди ҳамда ундан бошқаларни бу йўлдан қайтаришда фойдаланишди. Бу МЕХни заифлаштириш учун кўрилган яхши чора эди. Дариуш қамокдан чиқиши билан МЕХга кўшилиб қолганларни қутқариш ва уларни оилалари билан бирлаштириш учун ҳукумат хайриясини ташкил қилишга ёрдам берди.

Оилалар офисдан чиқиб кетиши билан Дариуш эшикни кулфлайди-да, уйга кетади. У онаси билан Вали Асрдаги “Екта” кафесида учрашади: онаси ёшлигида у ерда сутли коктейль ва бургер ейишга одатланганди. Бу жой деярли ўзгармаган: ўша сариқ белги ва 1970-йиллар интерьери. У ўгли қамокдан чиққач Техронга учиб келди, Дариуш эса уни бутунлай қолишга кўндирди.



Арезу Гурухнинг бошқа аъзолари каби уни хоинликда айблади. Дариуш у билан гаплашишга, уни Гурухдан совутишга уринди, бироқ қиз у билан қайта гаплашмади.

СУМАЙЯ

Хуросон майдони, жанубий Техрон.

Сумайя мўъжизага шоҳид бўлган кун йилнинг энг жазирама кунι эди. Вали Аср кўчасидаги чинорлар сояси исикдан пана қилолмади. Куёш тўқ яшил барглар сувини парлатиб, йўлни қиздирар, дарахтлар илдизи сувсизликдан азият чекар эди. Уларнинг ёнидан ўтган ариқ эса чанг ва куруқ эди.

Сумайя қўлидаги эски елпиғични ҳар қанча юзига елписа ҳам лабига оқиб тушаётган тер доначалари тўхтамасди. Асабийлашиб нам бармоқлари билан қўлидаги сумканинг олтига рақамли кодланган қулфини очишга қайсарлик билан уринарди. У Худога ва севимли имомига нола қилиб мадад сўради.

– Эй Худо, эй Имоми Замон! Илтижо қиламан, шу сумкани очишга мадад беринг. Эвазига то ўла-ўлгунимча ҳар йили қурбонлик қилиб, камбағалларга қўй гўшти тарқатишга онт ичаман, – деди у назр дуосини¹ овоз чиқариб ўқиб.

Металл рақамларни тирнаётган бармоқ учлари кўка-

1. Назр дуоси – шиа мазҳабида кўра бу дуо камбағал ва мухтожларга ёрдам бериш эвазига Худодан истаганини сўраш учун ўқилади. Дуоларда одатда имомлар эсланиб, улар оркали илтижо қилинади.



риб кетди. Сумайя назр дуосини анъанага мувофиқ ўқийди. У сўрагани амалга ошиши учун ўзидан ночорларга ёрдам беришга онт ичиши кераклигини билади. Гарчи кўпчилик Имом Хусайннинг сабрли ва ҳалим биродари Абул Фазл (Пайғамбарнинг набираси) илтижоларга тезроқ жавоб қайтаришига ишонса-да, Сумайя доим Имоми Замон орқали Худога илтижо қилади.

Тўсатдан фавқулудда бир ҳодиса рўй берди. Ўша лаҳзада рақамлар бир қатор тизилди – кулфнинг енгилгина “чиқ” этган товуши эшитилди, Худо ва Имоми Замоннинг ризолиги ишора берди. Портфель оғзи шилқ этиб ярим очилди.

Ҳа, бу мўъжиза эди. Бунга шубҳа йўқ.

Буларнинг бари бир неча йил муқаддам худди шундай жазирама ёз кунларининг бирида бошланган эди. Сумайя ўн етти ёшда, у ўзи туғилиб, вояга етган маҳаллада – Техроннинг ўзи каби қадимий Хуросон майдонида яшарди. Хуросон майдони Техрон жанубидаги бозорнинг шарқий қисмида жойлашган. Сумайя кунни доимгидек соат олтида бомдод намозини ўқиш билан бошлади. Кейин суюкли падари Ҳожи Оға билан нонушта қилди: у хўплаб чой ичар, отаси эса новвойнинг ёнидан қайтаётганда сотиб олган консерватив руҳдаги “Кейхон” рўзномасини ўқиб ўтирарди. Сангак нон ҳали ҳам иссиқ, устига қизиган тошлар билан туширилган нақшлар тишлаганда карсиллаб майдаланиб кетади. Улар олчали қўлбола мураббони нонга суртиб ейишди. Мураббо ширин бўлса ҳам, мазасида бироз нордонлик бор эди, ранги эса янги қондек қип-қизил. Нонуштадан сўнг Сумайя қора чодрасини ўради-да, укаси Муҳаммад-Ризо билан мактабга жўнади.

Улар асосий йўлга чиқиш учун илон изи хиёбонлар орқали юришди. Шаҳар ҳавоси аллақачон қизиб кетган, тонгги гавжумлик авж палласида эди. Шаҳарнинг бу қисми секин-аста уйғонмайди, балки бирдан ёпирилиб

кўчага чиқади. Дўкондорлар растасини очаётганди. Тамаки киоскаларининг шундоққина тагида бугунги газеталар тахлаб қўйилган. Олий раҳнамо газетанинг бош саҳифасидан қараб турибди. Сарлавҳаларда мазлумлар, сионистлар², таҳдид ва Америка ҳақида сўз боради: “Эроннинг оғир мушти империализмга зарба берди” ва “Эрон ҳарбий машғулотлари душман юрагига қўрқув солди.”

Хуросон майдони бамисоли кичик орол. Йиллар ўтгани сари замонавийлик ва ёшлик тўлқинлари Сумайянинг кўз ўнгида унинг қирғоқларини емирмоқда. Эски хароба уйлар устида ялтироқ мармар тўшалган, сержилва тош қопланган уйлар қад кўтарган. Қимматга тушувчи зилзила хавфсизлиги қоидаларини четлаб ўтиш учун курувчи ва давлат хизматчиларига пора беришнинг ўзи кифоя. Лекин Хуросон майдони юрагида яшовчи ишчи синф вакиллариининг диний қадриятлари ҳали ҳам аҳамиятга эга. Улар анъанавий ижтимоий тизимни сақлаб қолиш учун курашади. Сумайяникига ўхшаган оилалар учун дин – Қуръон кўрсатмалари ва Олий раҳнамо фатволарига амал қилишдир. Шунда улар жаннатга ноил бўлишлари мумкин. Сумайянинг уйи жойлашган кўча аёллари ҳали ҳам юз йиллар муқаддам ўралгани каби чодра ўраб юради. Сумайянинг оиласи асли Хуросон майдонилик. Аждодлари ҳам асрлар бўйи шу ерда яшаб келган. Хуросон майдони у билган ягона дунё.

Мактаб дарслари унчалик қизиқарли бўлмагани учун Сумайя актриса бўлиш ҳақида хаёл қилди. Ота-онасига ўхшаб унинг ўзи ҳам актёрлик ахлоқи бузуқлар касби, деб ҳисобласа-да, баъзан ана шундай бемаъни хаёлларга берилади. Танаффусда қизлар сўнгги миш-мишларни муҳокама қилишди. Улар диний жиҳатдан ижозат берилган сериалларни кўради. Бу сериалларда соқоли кириб олинган эронликлар ёвуз одамлар сифатида тасвирланади.

2. Сионист – Исроилни яҳудийлар мамлакатига айлантириш тарафдори.

Исмлари ҳам қадимий форсча: Куруш ва Дариуш. Ижобий қаҳрамонлар эса соқол қўйган, исмлари ҳам исломий. Ўқувчиларнинг қарийб ярмининг уйида сунъий йўлдошга уланган телевизор бор. Улар Руперт Мёрдок қисман эгаллик қиладиган, Дубайнинг “Фарси1” каналида кўрсатиладиган Лотин Америка сериалларига муккасидан кетган. Бутун Эроннинг сунъий йўлдош антенналари ликопчалари босган – Техрондан тортиб чекка қишлоқларгача, уйларнинг томида уларни кўриш мумкин. Бундай антенналар диндорларнинг ҳам, дунёвий одамларнинг ҳам уйида бор. Ҳатто ҳукумат вакили Эронда 4.5 миллион хонадон ана шундай антеннага уланганини маълум қилди. Сумайянинг отаси эса хорижий телеканалларни кераксиз ва исломга зид, исрофгарлик деб ҳисобларди. Унинг бу фикрини ўзгартиришнинг ҳеч иложи йўқ эди.

Соат 2 да, дарслар тугашидан биров олдин барча қизларни мактаб мудирасининг хонасига йиғишди. Мудирани итўрдак деб аташарди, чунки унинг жаҳлдор юзи бульдогникига ўхшар, юрганида эса ўрдакка ўхшаб лапанглар эди.

– Тоҳира Азимий ўғил бола билан номақбул муносабатда бўлгани учун мактабдан ҳайдалди, – бўқирди итўрдак.

Қизлар “вой” деб юборди. Тоҳира ўша воқеадан сўнг мактабга келмаётганини ҳамма биларди, аммо авваллари ҳеч ким мактабдан ҳайдалмаганди. Итўрдак қизларни тинчитишига беш дақиқа кетди. У катта думбаларини селкилатиб хона бўйлаб юриб, қизларга камтарлик, Худо, ота-онани алдамаслик ва сунъий йўлдош телевидение тарбияни бузаётгани ҳақида ваъз ўқиди. Тоҳира Азимийнинг қизлик иффати бутунлиги, у ота-онасига деярли ёлғон гапирмаслиги ёки унинг уйида ҳеч қачон сунъий йўлдошли антенна бўлмагани эсга ҳам олинмас эди. Муҳими шуки, у ўғил боланинг уйидан чиқиб кетаётганида қўлга тушгани ва бу вақтда боланинг ота-онаси ташқарида бўлгани Тоҳирани енгилтак деб аташга етарли эди. Энди унинг

муаллимлари, синфдошлари ва маҳалла-қўй уни шундай атарди. Боз устига, Тоҳира Азимий хушрўй киз эди. Ҳижоб ҳам, пардоз-андоз қилмаслиги ҳам унинг бу гўзаллигини беркита олмасди.

Итўрдак гапларини тез тугатди. Иштаҳани қитикловчи селли шашликнинг деразадан кираётган ҳиди ва очлик ҳисси унинг диний ваъзига нукта қўйди. Қизлар мактаб дарвозасидан отилиб чиқиб кетди.

– У ғирт жанда³, – деди Мансура. Жанда, яъни енгилтак деган сўз унинг оғзидан кутилмаганда чиқиб кетди. – Бунни кўзидан ҳам билса бўлади. Қадам ташлашидан ҳам. Хонасида бир талай кизил рўмол йиғиб қўйган, ўзим кўрганман. Буларнинг бари унинг кимлигини айтиб турибди.

Қизлар Мансуранинг гапини тасдиқлагандай бош ирғади.

– Унинг хаёли бузук. Битта дафтари тўла уятсиз суратлар эди, эслайсизларми? – деди Наргиз Тоҳиранинг ялангоч одамларнинг қаламда чизган эскизини назарда тутиб.

Гарчи Сумайянинг синфидаги барча қизлар бокира бўлса ҳам, уларнинг бир нечтаси ўғил болалар билан тақиқланган алоқа мазасини татиб кўрган эди. Асосан, амакиваччалари билан, чунки улар алоқа қилиши мумкин бўлган ягона эркак зоти шулар эди. Мансура ҳам ўтган йили амакиваччаси билан севишиб юрди, кейин шарманда бўлди. Шунинг учун у ҳар қандай тубанликни шафқатсизларча қоралаб, шу билан гўё ўз айбини юмшатарди. У давомий нафрат ҳиссига мубтало эди.

– У пардоз қилишни ёқтирмаслигини пеш қилавериши менга ғалати туюларди. Гўё бу билан ниманидир исботламоқчи, ниманидир яширмоқчи бўлаётгандек, – деди Ника.

Никанинг асл исми Ситойиш, аммо у ўз исмини хунук ва урфдан қолган деб ҳисоблайди. Сумайянинг синфидаги қизларнинг ярми ўз исмини чиройлироқ жаранглайдиган

3. Жанда – фоҳиша, енгилтак.



бошқа исмга алмаштирган.

Қизларнинг ҳасади тезда ғазабга айланди – тушунса бўладиган муносабат. Тоҳира Азимий қоидаларни бузди. Аммо қизлар учун энг аламлиси у қизларнинг ҳаммаси жуда хоҳлаган ишларини қила олган эди.

– Мен уни ҳеч чодрада кўрмаганман. Ажаб бўлибди, ота-онаси у чодра ўрайдими, йўқми, иши бўлмасди. Шу қиз жанда бўлмай, яна ким бўлсин? – деди Виста (аслиси Зуҳра).

Вистанинг савдогар отаси қизининг 18 ёшга тўлиши муносабати билан туғилган кунда бурнини пластик операция қилишига рухсат берган. У мис қувур сотарди. Аммо бозорда ишламаса ҳам, уни анъанага содиқ савдогар маъносида бозорчи дейишарди. Бозорчилар шахсий манфаатини кўзлаб иш қилади ва улар қанча пул топишидан қатъи назар, ўрта синф вакили бўлиб қолаверади. Ундан юқори эмас.

Тоҳиранинг кийиниш маданияти ҳам тоза таҳлил қилинди. Қизлар унинг кийимларини ўғил боланинг уйига яширинча кирган қиз учун шубҳали даражада оддий, деб хулоса қилди.

– Қизил рўмол ўрайди, чодра ўрамайди дегани у ёмон қиз дегани эмас-ку, – деди Сумайя. “Суюгоёқ” сўзини ишлатиш у учун уят эди. – Шунчаки унинг қадриятлари бошқача.

– Ҳа, ғарбона қадриятлар, – деди Мансура “суюгоёқ” сўзининг юмшоқроқ шаклини ишлатишга уриниб. – Ота-онаси Техрон шимолидаги Бала-шаҳрга кўчиб кетсин. Ўша ерда ғарбона яшайверади.

Қизлар кулиб юборди. Бу жуда шафқатсиз ҳазил эди, чунки Тоҳиранинг ота-онаси камбағал эканини ва зўрға кун кўришини ҳамма биларди. Шимолий Техрондаги замонавий уйга кўчиш эса Париждан иккинчи уйни сотиб олиш билан баробар эди.

Сумайя ҳам дугоналари каби Тоҳиранинг қилмиши-

дан ташвишга тушган эди. У иймонли, эътиқодли қиз. Ахлоқий меъёрлар у учун катта аҳамиятга эга.

– Хўп, тан олайлик, у одмигина кийинарди, аммо бунинг бирор яширин сабаби бор, деб ўйламайман. Лекин бир нарсани эътибордан четда қолдиряпмиз: тўйдан олдин ким биландир қовушиш гуноҳ. Жуда катта гуноҳ.

Қизлар чувуллаб, унинг гапини тасдиқлади. Сумайя бағрикенглигини ўз обрўсига путур етказмасдан кўрсата биларди. Бу эса уни нафақат ўзига ўхшаганлар, балки бошқалар орасида ҳам машҳур қилган. Унинг қатъий тамойиллари, одми ташқи кўриниши ва диний иштиёқи сабабли ҳатто Ҳизбуллоҳ⁴ қизлари ҳам уни ўзларидан ҳисобларди. Аслида, Ҳизбуллоҳий доираларга кириш қийин масала бўлиб келган. Ҳизбуллоҳлар мавжуд тузумнинг энг ашаддий ҳимоячилари ҳисобланади, дин ва сиёсатдан тузум омон қолишини таъминлаш учун фойдаланади. Сумайя ўзидан ночорроқ қизларга ҳеч қачон паст назар билан қарамаган. Ҳатто шаҳарнинг шимолий қисмида яшовчи қизларга тақлид қиладиган ва ғарбона кийинадиган қизлар ҳам (ундайлар мактабда озчилик) Сумайя уларни ажратади, деб ўйламасди. Аммо Сумайя уларни ажратарди. У бундай қизларнинг ёнида туришдан қочарди, чунки одамларнинг улар ҳақидаги фикрлари жуда уятли эди. Уни ҳам уларнинг каторига қўшиб қўйишларини истамасди. Сумайя либосга қараб одамнинг ахлоқига баҳо бериш мумкинлигига ишонарди. Либос қанчалик ёрқин ва тор, пардоз қанчалик қалин бўлса, жандалик мақомингиз шунчалик ортади.

Сумайя ва унинг дугоналари ҳижоб ўраш мажбурий бўлиши керак, деб ҳисобларди. Улар пардози ёки либоси

4. Ҳизбуллоҳ (арабча: Аллоҳ партияси) – инқилоб пайти Хумайний ва унинг кучларига ёрдам бериш учун тузилган ҳаракат. Ҳизбуллоҳийлар атамаси мутаассиб ва ақидапарастларни англатади. Ҳизбуллоҳ аъзоси тузумнинг ашаддий ҳимоячиси, Ислом давлатини ҳимоя қилиш учун тажовуз/зўравонлик ишлатиши мумкин.

ижтимоий одобга зид бўлган ва эркаклар эътиборини жалб қилган аёлларни ҳибсга олиш, маҳкамага тортиш ҳақидаги қонунни ҳам маъқуллайди. Кўчада ҳижобни шаҳвоний мақсадларда турлича ўраб юрган аёлларни кўрганда уларнинг кийиниш эркинлаштирилса, ахлокий таназзул бошланиши ҳақидаги ишончи янада мустаҳкамланарди. Виста айтганидек: “Агар ҳижоб мажбурий бўлмаганда, бу аёллар ярим яланғоч юрар, кейин эркаклар ўзини тутиб туrolмас ва бизнинг бошимиз ташвишдан чиқмас эди.”

Аммо бундай мизогиник⁵ фикрлари учун қизларни айблаб бўлмасди. Уларнинг онги туғилганидан буён мавжуд тузумнинг тарғиботлари билан суғорилган эди. Шаҳарнинг ҳар бурчида осилган катта реклама лавҳалари ҳижоб ўрашга ундар эди. Ҳукумат икки хил тактика қўллади: ҳижобни “нотўғри” ўрашнинг жисмоний хавфи ҳақида огоҳлантириш (бунда аёл хавфни ўзига ўзи тилаб олган бўлади) ва уят маданиятини яратиш. Яқинда бошланган реклама кампаниясида иккита ширинлик кўрсатилди. Улардан бири очиқ, иккинчиси эса ўрамда эди. Очилган ширинликнинг атрофини учта пашша ўраб олиб, унга қўнишга тайёр турарди. Тагида эса “ҲИЖОБ – ХАВФДАН ХОЛИЛИК” деб ёзилган эди. Айрим эълон доскаларда эса бундай мулоим сўзлар бўлмасди: “Тажовузни биз ўзимиз тилаб оламиз.” Баъзи баннерлар масалага илмий ёндашарди. Ғарбга тақлид қилган иккита қизнинг расми (қуюқ пардоз, номигагина ўралган ёрқин рангли рўмолидан чиқиб турган малла сочлар, калта, тор мантия⁶) остида қуйидаги сўзлар бор эди: “Психологларнинг айтишича, номақбул кийинадиган ва қуюқ пардоз қиладиган қизларнинг феълида ҳам муаммо бўлади.”

5. Мизогиния – аёлларни ёмон кўриш, улар ҳақидаги турли асоссиз тасаввурларга ишониш.

6. Мантия – аёлнинг қоматини яшириш учун кийимлар устидан ташлаб олинадиган ёпинчик.

**Китобнинг тўлиқ вариантыни
www.asaxiy.uz сайтидан харид
қилинг.**